

## Мазмунли дам – ўқишга ҳамдам

Бугунги кунда олий таълим тизимида ёшлар тарбиясини яхшилаш, маънавий-марифий билимларини юксалтириш, талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, олий таълим муассасаларининг талабалар турар жойларидаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 муҳим ташаббуси доирасида ҳам ёшларни бўш вақтини мазмунли ўтказиш юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.



Шу жумладан, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Талабалар турар жойида яшовчи талабаларни дам олиш кунларини мазмунли ўтказиш мақсадида Тошкент шаҳрининг диққатига сазовор жойларига саёҳатлар ташкил этилмоқда. Талабалар турар жойида яшовчи талабаларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда, 2020-йил 1-Март куни Зангиота зиёратгоҳи ва Ўзбекистон тарихи музейига саёҳат амалга оширилди. Талабалар турар жойининг барча талабалари, Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти ва Талабалар турар жойи кенгаши раиси номидан ректоримиз профессор Умурзаков Ўктам Пардаевич, Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Чориев Рузимурод Кунгратович ҳамда институт раҳбариятига 3-Талабалар турар жойларида яратиб берилган барча шарт-шароитлар, дам олиш кунларини мазмунли ўтказилиши бўйича ташкил этилган мана шундай саёҳатлар ва кўрсатилаётган юқори эътибор учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.



**ТИҚХММИ матбуот хизмати**